

Майитга жаноза ўқишининг шартлари | Фикҳ дарслари (271-дарс)



19:00 / 29.02.2024 2877

Жаноза ўқувчига худди намоз ўқувчига қўйилган шартлар: ислом, ақл, сатри аврат, таҳоратли бўлиш, бадан, кийим ва маконда нажосат бўлмаслиги, қиблага юзланиш ва ният кабилар шартдир. Шу билан бирга:

1. Майит мусулмон бўлиши шарт.
2. Майитнинг жасади ёки жасадининг аксари бўлиши шарт.
3. Майит намоз ўқувчининг олдига қўйилган бўлиши шарт.

Ҳанафий мазҳабида ғойибга жаноза ўқиш йўқ. Бирор нарсанинг, мисол учун, уловнинг устидаги майитга ҳам жаноза ўқилмайди. Имомнинг орқасида турган майитга ҳам жаноза намози ўқиб бўлмайди.

4. Аввал ҳаёт бўлиши шарт. Ўлик туғилган болага жаноза ўқилмайди.
5. Майит пок бўлиши шарт.

Ювилмаган ёки таяммум қилдирилмаган майитга жаноза ўқиб бўлмайди.

6. Ҳанафий мазҳабида шаҳидга ҳам жаноза ўқилади.

Жаноза намозининг вақти

Майитга кун чиқиш, кун ботиш ва кун қиёмда бўлган пайтда намоз ўқиб бўлмайди. Шунингдек, бомдод намозидан кейин, то қуёш чиқиб бўлгунча ва аср намозидан кейин, то қуёш ботиб бўлгунча ҳам мумкин эмас.

Жанозани тўрт киши кўтариши суннатдир. Аввал тобутнинг ўнг тарафининг олдидан, кейин ортидан ўнг елканг ила кўтаришинг, сўнгра худди шундай қилиб чап тарафинг ила кўтаришинг керак.

Жанозани кўтарганда лўкиллатмасдан, тез юрадилар. Унинг ортидан юриш маҳбубдир. Тобутни ерга қўймасдан олдин ўтириш макруҳдир.

Қабрни лаҳад қилиб қазилади. Унинг ичига майитни қибла томонидан киритилади. Уни қўювчи «Бисмиллаҳи ва алаа миллати Расулиллаҳи», дейди. Уни қиблага юзлантирилади.

Тўртинчи фарз – майитнинг дафни

Ҳар бир майитни жон берган еридаги қабристонга дафн қилиш мандубдир. Бир ёки икки мил масофага олиб бориш ҳам жоиз.

Майитни ювиб, кафанлаб бўлгандан кейин тобутга чалқанча қилиб ётқизилади.

Тобутни тўрт тарафидан кўтариш суннатдир. Тобут кўтармоқчи бўлган одам майитнинг бош тарафидан чап дастани ўнг елкасига қўйиб, ўн қадам юради.

Кейин орқага ўтиб, тобутнинг орқа чап дастасини ўнг елкасига олиб, ўн қадам юради.

Сўнгра бошқа тарафдан ҳам чап елкаси ила аввалги тартибда кўтаради. Тобутни ўта эҳтиром билан кўтарилади.

«Кифоя» китобининг биринчи жузи асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7013-рақамли холосаси асосида чоп этилган.